

Вақтли матбуотни тарқатиш ва обуна уюштириш бўйича

**ШАРТНОМА № 22**

“04” февраль 2022 й

“Матбуот тарқатувчи” МЧЖ Когон шаҳар филиали номидан директор Р.Абдуллаев (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) ва АБМЖ ҒБ АТЖ номидан Ж.Хасанов (кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади) амалдаги ўз Ижрочи (низом, устав, ишончнома)га асосан ва вақтли матбуотни обуна қилиш тамойилларига асосан Ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг 20 йил учун талабнома берилган барча газета ва журналларни жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали етказиб бериш мажбуриятини олади (Обуна нашрларининг рўйхати илова қилинади).

2. “Буюртмачи” етказилган матбуот нашрларни ўз вақтида қабул қилади ва нашрлар сони бўйича ҳисобот юритади.

3. Обуна миқдори нашрлар сони ва муддати кўрсатиб тузилган талабномага асосан 10167562 сўмни ташкил этади.

4. Нашрлар нашриётдан чиққан куни вилоятга етиб келса, ўша куннинг ўзида обуначига етказилиши кафолатланади.

5. Талабнома бўйича обуна суммасининг 100 % фоизи “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига 10 кун муҳлат ичида ўтказиб беради.

6. “Ижрочи” обуна нашрлари чиқмай қолса ёки нашриётлар ёпилса, тўланган обуна суммасини обуначининг хоҳишига қараб бошқа нашрларга кўчириб, обуна қилишни кафолатлайди.

7. “Буюртмачи” етказиб берилган газета ва журналларнинг аниқ ҳисоб-китоби олиб борилиши шарт. Агар етиб бормаган газета ва журналларнинг олдинги номерини олмасдан кейинги номери олинса, телефон орқали ёки ёзма равишда “Ижрочи”га хабар берилади. “Ижрочи” томонидан ўша олинмаган сонини тўлиқ топиб беришни кафолатлайди. Агар “Буюртмачи” ўз вақтида хабар бермаса, вақти ўтгач “Ижрочи” йўқолган нашрларни топиб бериш ёки тўлаб бериш мажбуриятини олмайди.

8. «Буюртмачи» вақтли матбуот нашрлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаса, вақтида тўланмаган пул миқдоридан, тўлов куни муддатидан ўтган ҳар бир куни учун 2 % миқдоридан, лекин умумий 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдоридан жарима тўлайди.

9. Шартномада акс эттирилмай қолган хатолар юзага келса томонлар ўзаро келишуви асосида бартараф этилади. Томонлар ўзаро келишувга келмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

10. Шартнома. Имзо чекилган кундан кучга киради, амал қилиш муддатига кўшимча ва ўзгартириш Давлат бошқарув органлари қарорлари ёки асосий шартномага асосан амалга оширилади. Бир томонлама ўзгартириш, кўшимчалар киритилиши ва шартнома барча шартлари бузилишига йўл қўйилмайди.

Томонларнинг юридик манзиллари

«ИЖРОЧИ»

“Матбуот тарқатувчи” МЧЖ  
Когон шаҳар филиали

х/р 20208000300286622014

МФО 00899 ИНН 201188543

“Миллий” банк Когон шаҳар

ОКНХ 71280

Бухоро шох кучаси 14-уй

Тел: 52-4-33-82

Директор

Р.Абдуллаев

«БУЮРТМАЧИ»

АБМЖ ҒБ АТЖ

Бухоро вилояти

№: 100010860064012041428120004

УИИ: 200856227 918010004

Ж.Хасанов

Бухоро вилояти

22919

